

М. УЛУФБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-

ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ.

«БИНО ва ИНШООТЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ва РЕКОНСТРУКЦИЯ»


КАФЕДРАСИ



ФАНИДАН

«Хонада ҳаво намлиги ва ҳароратининг
тақсимланишини ўрганиш»
бўйича лаборатория-тажриба ишини бажариш учун

услубий кўрсатма



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

**М. УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ.**

**«БИНО ва ИНШООТЛАР АРХИТЕКТУРАСИ ва РЕКОНСТРУКЦИЯ»
КАФЕДРАСИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
институт илмий - услугий
кенгаш раиси
профессор У. А. Соатов
«_____» _____ 2006 й**

**«Биноларни лойиҳалашни физик-техник асослари» фанидан «Хонада
ҳаво намлиги ва ҳароратининг тақсимланишини ўрганиш» бўйича
лаборатория - тажриба ишини бажариш учун**

услубий қўрсатма

**5A 5580201 - «Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар»
мутахассислиги учун**

САМАРҚАНД - 2006 йил.

Муаллифлар: «Бино ва иншоотлар архитектураси ва реконструукция » кафедра доценти, т. ф. н. Шукуров Ф. Ш. катта ўқитувчи А. Уралов. асистент Ғаниев Ш. И.

Тақризчи: «Бино ва иншоотлар архитектураси ва реконструукция » кафедраси доценти, т. ф. д. Фахриддинов. У

Ушбу услугбий кўрсатма 5А 5580201- «Курилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар» мутахассислиги учун, «Биноларни лойиҳалашни физик – техник асослари» фанидан тузилган ишчи дастур ва Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан 2004 йил тасдиқланган Намунавий ўкув режа асосида ишлаб чиқилди.

«Бино ва иншоотлар архитектураси ва реконструукция» кафедраси-нинг 2006 йил «__» _____даги йигилишдаги (баённомаси №__) муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Ушбу услугбий кўрсатма «Курилиш » факультети илмий услугбий кенгашида 2006 йил «__» _____даги (баённомаси №__) кўриб чиқилган ва тавсия этилган.

Ушбу услугбий кўрсатма «Самарқанд Давлат Архитектура – қурилиш институтининг илмий услугбий кенгашида 2006 йил «__» _____(баённома №__) муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Мавзу: «ХОНАДА ҲАВО НАМЛИГИ ВА ҲАРОРАТИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ»

ИШНИНГ МАКСАДИ:

1. Хона ичидаги турлича жойлашган нуқталардаги ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчаш.
2. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигининг хона бўйича тақсимланиш характеристикасини ўрганш.
3. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигининг хона баландлиги, эни ва узунлиги бўйича ўзгариш фарқини аниқлаш.

КЕРАКЛИ АСБОБ ВА УСКУНАЛАР

Ишни термодатчиклар ёрдамида бажариш учун қўйидагилар бўлиши зарур:

1. «Асман» психрометри;
2. Пропорционаллик коэффициенти маълум бўлган термопаралар монтаж қилинган комплект;
3. Термопараларнинг ўзаро жойлашиш оралиғи қўрсатилган схема;
4. Потенциометр - УПИП-60М;
5. Муз солинган термос;
6. Кўп нуқтали узиб-ўлагич.

НАЗАРИЙ АСОСЛАР

Хона микроиклимининг сифати ундаги ҳаво ҳароратининг текис тақсимланиши билан характерланади. Хона ҳавосидаги намлик ва ҳароратнинг нотекис тақсимланишига шамоллатиш системаларининг ишлаши, ташки тўсиқ конструкцияларининг ҳаво ўтказувчанлиги ва теплотехник сифати ва бошқа омиллар сабаб бўлади. Юқоридаги омилларнинг вақти бўйича ўзгариш қонуниятини математик ифодалаш мумкин эмас. Шу сабабдан, хона микроиклимининг сифатини баҳолашда ва уни яхшилаш тадбирларини белгилашда хона ҳажми бўйича хонанинг параметрларини бевосита тажриба йўли билан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Граждан биноларида конвектив режим кучсиз бўлишини хисобга олинса, абсолют намликни хона ҳажми бўйича текис тақсимланган, - деб қараш мумкин.

Хона ичидаги маълум бир нуқтадаги сув буғининг парциал босими е ни "Асман" психрометри ёрдамида аниқлаш мумкин. Хонанинг турли нуқталаридаги ҳавонинг нисбий намлигини эса, термодатчиклар ёрдамида ўлчангандай ҳаво ҳарорати орқали аниқлаш мумкин. Бундай усул термодатчикларнинг инерцияси жуда кичик бўлгани учун, хона

микроиқлимини тез ўрганиш имкониятини беради.

Потенциометр ёрдамида керакли нүктадаги ҳаво ҳароратини ўлчаш учун термопаралар занжирида ҳосил бўлган электр юритувчи куч (Э.Ю.К) нинг қиймати аниқланади. Текширилаётган нүктадаги ҳарорат қўйидаги формула билан аниқланади

$$t = k \cdot E, {}^{\circ}\text{C} \quad (1)$$

Бу ерда: Е - термопарада содир бўлган электр юритувчи куч (мВ),
k- пропорционаллик коэффициенту (град/мВ),

Текширилаётган нүктадаги ҳавонинг нисбий намлиги (%) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\varphi_{\text{в}} = \frac{e}{E_t} \cdot 100 \% \quad (2)$$

Бу ерда: e- «Ассман», психрометри ёрдамда аниқланган ҳаводаги сув буғининг парциал босими, - мм. симоб уст, ёки(Па);
Е_t - t - ҳароратга мос келувчи тўйинган сув буғининг парциал босими, мм. симоб уст. ёки (Па)

Ҳисоблаш ва ўлчаш ишлари натижалари 1- жадвалга ёзилади. 1-жадвални тўлдиришдан аввал хонанинг схематик режасини чизиш, унда термопаралар ўрнатилган устуннинг жойлашиш ўрнини аниқлаш ва рақамлаш керак. Термопаралар ўрнатилган устунда 5-та термопара пол юзасига нисбатан қўйидагича жойлашган:

1 - термопара + 0,05 м, 2- термопара + 0,25 м, 3 - термопара + 0,75 м,
4 -термопара + 1,5 м, 5 -термопара + 2,4 м, (1-расм).

Устун ўрнатилган хонадаги ҳар - бир нүкта учун (2-расм) бира - тўла барча 5 та термопарадан саноқ олинади. Шу тартибда қайта саноқ олиш ишлари бажарилади. Хонанинг турли нүкталари учун олинган ўлчов ва ҳисоблаш натижалари асосида, текширилаётган хонанинг кенглиги, узунлиги ва баландлиги бўйича нисбий намлик ва ҳароратнинг тақсимланиш графигини кўриш керак. Ундан сўнг, хонадаги ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини тақсимлаш ҳарактери ҳақида ҳулоса қилиш керак. Хона ҳажми бўйича ҳаво параметрларининг тақсимланиш қонуниятига иситиш асбоблари, дераза, эшик

ва бошка нарсаларнинг таъсирини таҳлил қилиш керак (2 жадвал).

2-жадвал натижасига асосланиб, хонадаги ҳавонинг, нисбий намлиги ўзгариш графиги чизилади (3-расм).

ЛАБОРАТОРИЯ ИШНИ БАЖАРИШ ТЕХНИК ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ.

Хона ҳавосида намлик ва ҳароратнинг тақсимланишини аниқлаш учун қўйидаги асбоб ва жиҳозлари қўлланилиши туфайли хавфсизлик чоралари қўлланиши лозим.

1. Патенциометр ПП-60.9В - 1 дона ёки УПИП-60М.
2. Муз солинган термос - 1 дона.
3. Кўп нуқтали узиб ўлчаш учун симлар .
4. Термопаралар.
5. Мослама ва ускуналарни ўрнатиш учун маҳсус устун.
6. Милливольтметр - 1 дона.

Ускуналар билан ишлашда талаба ишни қандай бошлаш кераклигини аниқ билиши керак. Ишнинг мақсади ва ускуналар билан қандай иш олиб бориши керак ва ускуналарни олдин ишчи ҳолатига келтирилгандан кейингина гуруҳлар ўзларига бириктирилган хонадаги нуқталардан саноқ ола бошлайдилар.

Саноқ олишдан олдин, гуруҳларга бўлинган талabalарга ускуналарни қандай ишлатиш тартибини ўқитувчи ўргатади, шундан кейингина гуруҳлар ўзларига белгиланган хонадаги 4 та нуқтадан саноқ олиши ва жадвалга ёзиб ҳисоблашни давом эттиришлари лозим.

Ускуналар билан ишлашда жуда эҳтиёткорлик чораларини кўриш керак. Ўлчаш симларини ускунага тўғри улаш учун «+» ва «-» симларига эътибор бериши шарт. Термопараларни жойидан узиб олиш, ускуна ручкаларини билиб - билмасдан бураш мумкин эмас. Саноқ олиш вақтида муз солинган термосни ва ускуналарни жойидан қўзғатмаслик керак. Саноқ олишлар бутунлай тугагандан сўнг ускуналарни кучланишлардан узуб қўйилиши зарур.

Гуруҳ боши ишни тугатгандан сўнг ускуналарни ўқитувчига ишчи ҳолатда топшириши лозим.

ХОНА ҲАВОСИДА ҲАРОРАТ ВА НАМЛИКНИ ЎРГАНИШ.

а) "Асман" психрометри ёрдамида текширилаётган нүктадаги ҳавонинг намлиги ва ҳароратини аниқлаш.

$$t_{\text{e}} = 18,2 \text{ } {}^{\circ}\text{C} ; \quad t_{\text{m}} = 25,4 \text{ } {}^{\circ}\text{C} ; \quad \varphi_{\text{e}} = 30,2 \% \quad E_t = 20,5 \text{ мм. символ уст.}$$

б) Ҳаво намлиги ва ҳароратини термодатчиклар ёрдамида ўлчаш натижалари. $t = k E, {}^{\circ}\text{C}$ $\varphi_e = \frac{e}{E_t} \cdot 100\%$


ХОНА ҲАВОСИДА ҲАРОРАТ ВА НАМЛИКНИ ЎРГАНИШ

а) “Асман” психрометри ёрдамида текширилаётган нуқтадаги ҳавонинг намлиги ва ҳароратини аниқлаш.


$$t_e = 18,2 \text{ } {}^{\circ}\text{C}; \quad t_m = 25,4 \text{ } {}^{\circ}\text{C}; \quad \varphi_e = 30,2\% \quad E_t = 20,5 \text{ мм. симоб уст.}$$

б) Ҳаво намлиги ва ҳароратини термодатчиклар ёрдамида ўлчаш натижалари. $t = k E, {}^{\circ}\text{C} \quad \varphi_e = \frac{e}{E_t} \cdot 100\%$


Хонанинг номи	Ўлчаш куни	Ўлчаш вакти	Текширилаётган нуқта-нинг жойлашиши.		Э. ю. к. ни ўлчаш натижалари Е, мВ			Ўртача э. ю. к., мВ	Пропорционаллик коэффициент k, (${}^{\circ}\text{C}/\text{мВ}$)	Ҳарорат $t, {}^{\circ}\text{C}$	Тўйинган сув буғининг парциал босими $E_t, \text{мм. сим. уст.}$	Ҳавонинг нисбий намлиги, %
			вертикал номери	Пол юзасига нисбатан баландлик	1- чи ўлчаш	2- чи ўлчаш	3- чи ўлчаш					
Лаборатория хонаси.	05. 06. 2006 йил.	13:00	1	0,05	0,75	0,71	0,69	0,72	27	19,44	16,89	26,8
			2	0,25	0,77	0,72	0,73	0,74	27	19,98	17,43	27,2
			3	0,75	0,79	0,75	0,74	0,76	27	20,52	18,09	28,16
			4	1,50	0,80	0,78	0,76	0,78	27	21,06	19,35	29,8
			5	2,40	0,82	0,81	0,79	0,81	27	21,87	19,59	31,9



2-расм Ҳарорат ва нисбий намлик текширилаётган хонанинг режаси. (1,2, 3, 4 – текширилайдиган нүқталар)



2-расм Ҳарорат ва нисбий намлик текширилаётган хонанинг режаси. (1,2, 3, 4 – текширилайдиган нүқталар)



3-расм. Хонадаги ҳавонинг нисбий намлигини ўзгариш графиги, 1-нүқта.

ФОЙДАНИЛАДИГАН АДАБЙЁТЛАР

1. Ильинский В. М. Строительная теплофизика. М. Высшая школа. 1974.- 314 стр.
2. Гусев Н.М.Основы строительной физики.Стройиздат.1975–437стр.
3. Фокин.К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий. Стройиздат. М. 1973. - 271 стр.
- 4 .Богословский В.Н. Строительная теплофизика. М. Высшая школа 1982- 415 стр.
5. ҚМҚ 2.01.04.-97 Қурилиш иссиқлик техникаси. 1997. - 74 стр.
6. ҚМҚ 2.01.01.-94. Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. Тошкент. 1996. 60 б.
7. Объетков В.А., Соловьев А.К., Кондратенков А.А. и другие. Лабораторный практикум по строительной физике. «Высшая школа». 1979. – 221 стр.
8. Шукuroв F.Ш., Бобоев С.М. Архитектура физикаси I-қисм. Қурилиш иссиқлик физикаси. Тошкент “мөннат”, 2005 йил.

Наширгилгилари : Буюртма № _____, қоғоз бичими А – 4 ,
нусхаси_____, хажми _____ босма табоқ, СамДАҚИ босма хонасида
чоп этилди. Самарқанд шаҳар. Полазор кўчаси -70 ўй.

Қайдлар учуның